




# ADOLAT

№43

(695)

2008 йил,

10 октябрь, жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat\_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

“AutoMotorShow  
Uzbekistan 2008”



## ЮКСАК САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да 8 октябрь кунини “AutoMotorShow Uzbekistan 2008” бешинчи Халқаро Ўзбекистон иқтисодсаноат автомобил-бил қўғазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, “Тошхавартранс-хизмат” уюшмаси, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Россия Федерацияси Автомобиль бўғловчи қисмлари ишлаб чиқарувчилари миллий уюшмаси ҳамда “ITE Uzbekistan” халқаро қўғазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур қўғазмада бу гал Россия, Германия, Хитой, Япония, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амириклари, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбой-

жон, Польша каби қатор мамлакатлардан ўттиздан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда. Улар орасида “AvtoKomTrans”, “Geotexbutlash”, “Mega-Mebiko”, “O'zbekmazservis”, “Mogiza” (Ўзбекистон), “Scania Central Asia” (Қозғистон), “Авто Партнер”, “Мотопирс”

(Россия), “Chinar Berlin Auto” (Германия), “Beijing Top Fairs International” (Хитой), “GS Yuasa International” (Япония), “Fani Trading”, “Zentrax” (БАА), “WP Company” (Польша) сингари йирик компаниялар бор. Истиқлол йилларида мамлакатимизда автомобилсозлик саноати асос солинди. Бугун Самарқанд ва Аска авто-

мобиль заводларида ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги замонавий автомобилларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Улар юқори сифати, қулайлиги, юксак техник хусусиятлари ва замон талабларига тўла мослиги боис жуда хариддорлигига эришди. Тайёрланаётган автомобиллар турининг тобора кўпайиб бораётгани нафақат ушбу корхоналар, балки Ўзбекистонимиз экспорт салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Тўрт кун давом этадиган ушбу қўғазма мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш, соҳада халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фойдалантириш ҳамда юртимиз автомобилсозлик саноатини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Абдуғани  
МАМАСОДИҚОВ.



## ИСЛОМ КАРИМОВ БИШКЕККА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) давлатлари Давлатлараро кенгашининг мажлисларида, шунингдек, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этиш учун 2008 йил 9 октябрь кунини Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



## ДОЛЗАРЪ МАСАЛАГА БАҒИШЛАДИ

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда 2009 йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаевнинг маърузаси тингланди.

Йиғилишда 2009 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсати иқтисодийни ривожлантириш ва модернизация қилишни фойдалантиришга, ҳўжалик юртувчи субъектлар ва аҳолига солиқ юқини изчил пайсатиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, инвестиция ва тadbirkorlik muhitini yanada yaxshilashga va muljal-langan makroiqtisodiy kўrsatkichlarga erishi-shga kўmaklashayotganligini taъkidlandi.

Тадбирда Давлат бюджетни ривожлантиришга, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга, солиқ юқини қамайтириш асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб, кўпроқ янги иш ўринлари яратишга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта етиштирувчи фермер ҳўжаликларида давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини давом эттириш қўзда тутилатири.

(Ў.А.)

### Муносабат

## ЭЛГА ШИЖОАТ БАҒИШЛАДИ

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи ҳар доимгидек бу гал ҳам элга шижоат бағишлади. Юртдошларимизнинг бунёдкорликка, эзгу-ишларга руҳлантирди. Шунингдек этироф этиш жоизки, жаннатмакон юртимиздаги беқийс ўзғаришлар бугун ҳеч қандай бефарқ қолдираётгани йўқ. Айниқса, кенг қамровли ислохотлар, янгиликлар мамлакатимиз тарихининг янги босқичга кўтармоқда. Бунда шўбҳасиз турли соҳа фидойилари қатори фермерларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги қувончлидир.



Юртбошимизнинг қизғин саяё-ҳаракатлари билан ташкил этилган фермерлик ҳаракати юртимиз бўйлаб кенг қамровли бўлди. Фермерлар ҳаётдан ўзларининг муносиб ўринларини топиб, иқтисодий таъминотининг таянчига, тарққийинининг шиддаткор қучига айландилар. Уларнинг серқирра фаолият кўрсатишлари учун барча шароитларнинг яратиб берилаётганлиги соҳага бўлган алоҳида эътиборни намойиш этиб турибди. Шунинг билан таъкидлаш керакки, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига ўтган вилоятимиз меҳнат аҳли унинг надиҳасидан ҳам баҳраманд бўлмоқда. Утган йиллар самаралари бу соҳада биз хоразмликларнинг ҳам ютуқларига ютуқ қўшганлигини кўрсатиб турибди. Бундан қувонмай бўладими?

Фермерликни ривожлантириб, қучимизга қуч, ғайратимизга ғайрат қўшаётган Юртбошимиз билан вилоятимизда бўлган учрашува кўтарилган масалалар, қўйилган вазифалар ҳар биримизга катта масъулият юкледи. Бизларни янги ютуқлар, марралар сари руҳлантирди. Бунинг шарофати билан юзлаб фермерлар қатори режамизни барвақт урдаладик.

Халқимизда “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чироқлик,” деган нақл бор. Бугун турмушимиз гўзал, ҳаётимиз фаровон. Унинг замирида эса, ҳаётимизнинг барча баҳаларида буй кўрсатиб турган халқимизнинг бунёдкорона меҳнати муҳасам.

Гўлмат ХАЙТМЕТОВ,  
Гўркан туманидаги “Хайтам ота” фермер  
ҳўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат асосий қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаолиятини ошириш ва уларнинг рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституциям» танловини эълон қилади.

### Танлов йўналишлари

Танлов қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж);
- энг яхши интервью;
- энг яхши фоторепортаж.

### Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида асосий қонунининг ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий руҳда қўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда «Менинг Конституциям» танловига руқнда танлов матбуотда эълон қилинган 2007 йил де-

кабрь ойидан 2008 йил 1 декабргача чоп этилган бўлиши шарт.

### Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар отақчи журналистлар, маффаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли ҳайбат томонидан қўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ҳолларни аниқлашда мазмунининг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

### Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тағдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот қўри-нишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-12-51, 244-15-99, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpax.uz.

Ташкилий қўмита.

### Хабарлар

## ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАР КАМАЙДИ

Марғилон қўйма механизациялашган колоннаси қурувчилари йўл плиталари ва бардорлар ишлаб чиқара бошладилар.

Айни пайтда мазкур цехда 6 хил ранг ва гул қўринишига эга бўлган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу эса бунёдкорларга қурилиш-монтаж материаллари танларини пайсатириш имконини бераётди. Шунингдек, қалинлиги 4 см сантиметр бўлган 25х12 ҳажмидаги девор плиталари тайёрлаш ишлари йўлга қўйилса, корхонада яна 12 та янги иш ўрни яратилади.

### СИМСИЗ АЛОҚА

Яккабўғ тумани Совуқбўлоқ қишлоғидаги 9-мактаб ўқувчилари энди симсиз алоқа орқали интернет тармонидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Ушбу умумтаълим муассасасига махсус модем ускуналари келтирилди. Мазкур ускуналар орқали мактаб компьютерига тегишли дастурий таъминот ўрнатилди. Ҳозирда вилоятдаги 139 та мактаб интернет тармоғига симсиз алоқа орқали уланган. Бу воқеада ўқувчи-ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишлари учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

### САНЪАТ КўРГАЗМАСИ

Ўзбекистон маданият ва санъат қўғазмаси залида мусиқа ва санъат мактабларида махсулот ўтиш учун зарур бўлган мусиқа асбоблари, ускуналар ва ўқув жиҳозлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган тадбирда 50 турдаги халқ ва анъанавий чолғу асбоблари, 30 турдаги хорижда ишлаб чиқарилаётган мусиқа чолғу асбоблари ҳамда 160 га яқин ўқув адабиётлари ва тасвирий санъат жиҳозлари намойиш этилди.

### ЎН ИККИ ОИЛА ҚУВОНЧИ

Янгиер шаҳридаги 12 нафар ёш оила барча қўлайликларга эга бўлган 2 ва 3 хонали шахсий хонадонларига эга бўлишди.

Жорий йилнинг ноябрь ойида 18 та оилга мўлжалланган иккинчи уй ҳам фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

(Ўз мухбарларимиз).

### Бошланғич ташкилотларда

## ОРАМИЗДА ЯШАЁТГАН ЭЗГУЛИК

туфайли сарапайлик биринчи гуруҳ ногирони  
Оллошукур Шарипов аравачали бўлди

Аслида фарзанд каби азиз, ундайин ширин, у берадиган қувончдай қувонч йўқ. Болалигини бир бора шодон қулгуси дунёнинг жамикни лаззатларидан лаззатлорқ, Борди-ю, унинг юзларида маъсуслик сезсангиз, гўё оламини дуд қоплайди. Мунис кўзларида чаргонлик уйғотиш учун ҳар нега ҳозир бўласиз. Бу азалий, таъма талаб қилмайдиган туйғу юртимиз одамларининг қалбида зоҳир, улар ҳаётдан болажонликка хос мисолни истатганча келтириш мумкин.

Дейлик, қўнға Хоразмининг Хонка туманидаги Сарапайиш қишлоғида ўч ёшли Оллошукур Шарипов яшайди. Ҳозир унинг авжи қақажон даври - ўзи тенги болакайлар билан қуғуралиб юрадиган, чопқилишиб ўйнайдиган пайти. Бироқ не тонгки, тақдири азал Олло-

шуқурга яримта бахт ато этди - юрмоқ, юғурмоқ имконидан бебаҳра қўйди. Аммо бола, бола-да, ўзининг келганган имконидан қатъи назар тенгқурларига талпинди, улар билан ўйнагиси, бирга-бирга чопгиси келди. Аммо... йўқ, дунёда яхшилар қўп, шунинг учун ораминизда яшаётган эзгуликнинг умри боқий. Гапнинг индаллоси - “Адолат” СДПнинг “Сарапайиш” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бошланғич ташкилот раҳбари Ҳусайн Рўзиметов Оллошукурнинг ҳолидан бохабар эди.

Оллошукурнинг бир айби - юрломаслиги, қолгани бир ютим хилқат, пўлошдай болакайни бир қўришда суёб қоласиз. Фақат унинг маюс чеҳраси дилни эзди.

Саркотибнинг табиятан жонқуярлиги, жонсарақлиги қўл келиб, “Адолат” СДП вилоят Кенгаши томонидан Оллошукурга болалар ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Авалло, менинг мақсадим, - дейди у яна, - кам таъминланган оилалар, боқувчисидан айрилган қари-лар, ҳаёт йўлига эндигина кириб келаятган ёшлар ёки Оллошукур каби болаликдан ногирон фарзандларга ғам-ҳўрлик қилиш. Шу йўл орқали эл қорига яраш, партиямиз дастурларида белгилаб берилган бундай эзгу мақсадларни одамлар орасида кўпроқ ёйишдир.

Сайёид ОЛИМ,  
“Адолат” мухбири.

“Адолат” СДП бошланғич ташкилотлари фаолиятига доир саҳифа материаллари билан 2-бетда танишасиз.

Э  
Ъ  
З  
О  
З

Ўзбекистон “Адолат” СДП КИТОБ ту-мани Кенгаши, халқ таълими бўлими ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан маҳалла-ларда умргузаронлик қилаётган но-гиронларни қўллаб-қувватлаш мақса-дида танлов ташкил этилди.

Зунда уюштирилган тадбирда 97 на-фар ногирон зардузлик, миллий ҳўнармандчилик, рассомчилик ва фольклор йўналишларида ўз санъат-ларини намойиш этишди. Тадбир яку-нида ғолибларга партиямиз эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбаримиз.

# «Адолат» СДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг энг муҳим бўғини саналади. Мутахассисларнинг фикрича, сиёсий партиялар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва янги босқичга кўтаришда мазкур ҳаракатнинг ўрни бекиёс.

Мамлакатимизда бугунги кунда сиёсий партияларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, сиёсий институтларнинг мамлакат ҳаётида фаол иштироки кўзга ташланаётган. Қолаверса, аҳолининг партияларга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ана шундай бир пайтда, ҳеч шубҳасиз, «Адолат» социал-демократик партияси олдидан турган муҳим вазифалардан бири аъзолар сонини янада ошириш, уларни қуйи ташкилотларда мустақкам бирлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Этиборингизга ҳавола этилаётган махсус саҳифадан ўрин олган мақолаларда «Адолат» СДП томонидан мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар, бошланғич партия ташкилотларининг бугунги фаолияти, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида сўз юритилади.

## ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИГА ҲАМОҲАНГ

Бу инсон билан илгари ҳам кўп бор суҳбатлашганман. Табиатан вазмин, босиқ, ҳар сўзини мулоҳаза билан айтади. Бирор масалада баҳс-тортишув чиқиб қолгудек бўлса, аввал суҳбатдошини шошилмай тинглашга ҳаракат қилади.



Сўнг «шундай вазиятда ўзингиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?», деб уни мустақил хулоса чиқаришга ундайди. Одамларда муаммога нисбатан дахлдорлик ҳиссини пайдо қилишга, шунинг баробарида, улардаги ташаббускорлик қобилиятини илғаб олишга, тўғри йўлга солишга интилади.

Болта Даминов серкерира фаолият соҳиб. У Нарпай тумани шифохонаси бош шифокори, йирик фермер хўжалиги раҳбари ва, айни чоғда, «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби. Хуллас, мансаб дейилганидан бўлса мансаб, ваколат дейилса ваколат етарли. Аммо вазифа ҳам, мансаб ҳам эллаганга ярашади, дейишади. Партия сарқотиби сифатида сиёсий муомала маданиятини пухта ўзлаштириб олганлигини, касбу қоридан қатъи назар, энг ишчан, заковатли, ташаббускор кишиларни ташкилот атрофига бирлаштириш олганлигини Болта Даминовнинг катта ютуғи, деб билиш мумкин. Шу тўғрисида партия Кенгаши ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари амалий ишлар билан элга танилмоқда.

Бугун Нарпайда «Адолат» СДПнинг минг нафарга яқин аъзоси, 40 дан ортиқ бошланғич ташкилот бор. Партия фаолларининг кўпчилигини раҳбар кадрлар, тadbirkorлар, хуқуқшунос ва зиёлилар ташкил этади. Демак, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур англаб етadиган ва партия ғоялари устивор йўналиш бўлишни таъминлай оладиган кишилар. Меҳнат жамоаларида тез-тез ўтказилаётган мулоқотлар, маҳаллий матбуот нашрларида, радио, телевидениедаги чиқишлар партия фаолларини халққа яқинроқ таништирмоқда.

Таъкидлаганимиздек, партия фаоллари ўз ташаббускорликлари билан туманда ўзаро ишчанлик муҳитини, ислохотлар натижаси учун масъулият туйғусини шакллантиришга муваффақ бўлмоқдалар. Ана

шундайлардан бири Қилич Раззоқов. У 24-мактаб директори, айни чоғда билим маскани қошидаги бошланғич партия ташкилоти раҳбари. Бу сергайрат инсоннинг олиб-югуриши тўғрисида мақолада кўп номунали ўқув масканига айлантирилган. Бу ерда машғулотлар компьютер ва бошқа замонавий техник воситалар билан жиҳозланган синфхоналарда ўтказилади. Ўқитувчи, педагоглар меҳнатини баҳолашда ҳам прогрессив усуллардан фойдаланилади. Шу тўғрисида мақолада кўп номунали ўқувчилар турли фанлардан туман, вилоят миқёсда ўтказилаётган олимпиадаларда голиб бўлишади.

— Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга интиламан, — дейди Қилич Раззоқов. — Таълим жараёнини сиёсий тарғиботлар билан қўшиб олиб борамиз. Шу тариқа ёш авлодини Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилаёلمиз.

Баҳром Зиедуллаев ва Замира Мухторова партиянинг энг фаол аъзолари саналишади. Бу уларга жамиятдаги айрим муаммоларга нисбатан сезгир, хозиржавоб бўлишда катта масъулиятни ўлкамоқда. Нарпай анҳори ирригация тизими раҳбари Суюн Гайбуллаев ҳам ўз фаолиятини «Адолат» СДП ғоялари билан уйғун ҳолда олиб бораётганидан мамнун.

— Каттароқ норинг бўлса, юкинган ерда қолмайди, деганларидек шундай изланувчан фаолларимиз тўғрисида ташкилот мавқеини мустақкамлаб, хайрихоҳлар сифати кенгайтираёلمиз, — дейди туман партия Кенгаши раиси Болта Даминов. — Партия дастурида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш аниқ ифодаланган. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам бу ишга астойдил бош қўяёلمиз.

Дарвоқе, «Янгилик» маҳалласида яшовчи Бозор момо Тожиёва ўғли ва келини вафот этиб, икки на-

фар невараси билан боқувчиларсиз қийналиб қолганида партия раиси оилага ёрдам қўлини чўзди. Ўз фермер хўжалиги ҳиссасидан ғалла, ёғ, гўшт билан таъминлай бошлади. Худди шунингдек ёрдамга муҳтож яна бир оилага — Ирискул Даминовнинг рўзгорига қорамол сотиб олиб беришди.

Ҳа, нарпайлик партия фаоллари, айниқса, бошланғич ташкилотлар етакчилари иқтисодий ислохотлар қандай бўлиши зарурлигини сўзда эмас, амалда исботлашапти. Бу борада яратилган қондалар ва қонуности ҳужжатлари ижросини ҳокимлик ва бошқарув идораларидан талаб қилиш орқали фермерларнинг ҳуқуқ-манфаатларини еклашмоқда. Шу тўғрисида туманда фермерлик ва тadbirkorлик йўлидаги сунъий тўсиқлар қайта кўриб чиқилмоқда. Эътиборлиси, бугун ўз хўжалигини моҳирона бошқараётган фермерларнинг аксарияти «Адолат» СДП аъзолари. Улар бугун давлат бошқарувини янгилаш, жамиятнинг ислох этиш ва мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг роли кучайганлигини чуқур англаб етишган. Зарур бўлганда жамоатчилик назоратини ишга солишди. Бошқарув ва иқтисодиётдаги муаммо, номуносивбликларни халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи, депутатлар орқали сессияларда муҳокамага олиб чиқишди.

Ҳа, Нарпайда ана шундай сиёсий ишчанлик, ташаббускорлик муҳити қарор топган. Бу соғлом муҳит атрофига тобора янги-янги одамлар келиб қўшилмоқда. Партиянинг нуфузи, салоҳияти ортмоқда, сиёсий раёбатда кўли баланд эканлигини намойиш этмоқда. Чунки партия фаоллари эл-юртга виждонан хизмат қилишни энг катта мансаб деб билишади.

Зохир Тўрақулов,  
«Адолат» мухбири.

## ҚУЙИ БЎҒИН — МУСТАҚКАМ ТАЯНЧ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида фаолият олиб бораётган 2380 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Хўш, бугунги кунда партиянинг мазкур бўғини жойларда қандай ишларни амалга оширмоқда? Мазкур ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун нималар қилиш лозим? Шу ва бошқа саволлар билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаровга мувожаат қилдик.

— «Адолат» СДП учун бошланғич ташкилотларнинг мавжудлиги қанчалик муҳим? Уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида нима дея оласиз?

— Нафақат бизнинг партиямиз, балки мамлакатимиздаги мавжуд бошқа сиёсий партиялар учун ҳам бошланғич ташкилотларнинг фаолият юритиши жуда муҳим саналади. Чунки партия аъзолари ва хайрихоҳларини партиянинг ўз ғоя ва мақсадлари йўлида бирлаштириш, самарали фаолият олиб боришда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ниҳоятда салмоқли. Демак, БПТлар сони қанчалик кўп бўлса, партиянинг ташкилий жиҳадан ривожлантириш шунчалик осон кечади.

БПТ етакчиси функционал вазифасига биноан ўз ташкилотига бирлашган аъзолар билан бирга йиғилишлар ўтказиб туради, ўз сафдошларини давлат ва жамият сиёсий ҳаётида юз

бериётган ўзгаришлар, ҳукумат, парламент томонидан қабул қилинган қарор ва қонунлар ҳамда партия юқори ташкилотлари йиғинлари (Пленумлар, Конференциялар, Курултойлар) томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилиб боради. Бундай пайтда аъзолар ўз муносабатларини билдиришлари ҳам мумкин. Шу орқали партия Кенгашлари ва қуйи ташкилотлар ўртасида яқин алоқа юзга келади.

Шунингдек, бу йиғилишларнинг яна бир фойдали томони шундаки, аъзолардан аъзолик бадалларини ҳам йиғиб олишга имконият туғилади.

— Партия Марказий аппарати томонидан партия аъзолари ва бошланғич ташкилотлар сонини ошириш, қолаверса, уларнинг фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда бошланғич ташкилотларимиз ишини муваффақиятли ташкил этиш ва талаб даражасида олиб бориш бо-

расида айрим вилоятларда бирмунча камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Жорий йилнинг 25 январь кунин партия Сиёсий Кенга-

**Бошланғич партия ташкилоти камида 3 нафар аъзоси бўлган тақдирда тегишли туман, шаҳар партия ташкилоти томонидан рўйхатга олинади. Ҳеч қайси партия аъзоси тегишли бошланғич ташкилотга бирлашмаган бўлиши мумкин эмас.**

ши Ижроия Кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия аъзолари сонини кескин ошириш чора-тадбирларини қўйиштириш мақсадида Марказий аппарат Ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими

Башланғич партия ташкилоти вакиллари ўзларининг ташаббускорликлари билан жойларда ўзаро ишчанлик муҳитини, ислохотлар натижаси учун масъулият туйғусини шакллантиришга эришмоқлари даркор.

(«Адолат» СДПнинг Х Пленуми материалидан.)

томонидан ишлаб чиқилган янги аъзоларни партия сафларига жалб этиш режаси тасдиқланди. Шунга мувофиқ жорий йилнинг охиригача Андихон ва Самарқанд вилоятларидан ташқари барча ҳудудий ташкилотлар ўз аъзолари сонини 5 минг нафарга етказиши муҳим вазифа этиб белгиланди. Қолаверса, мазкур режани амалга ошириш учун барча партия аъзоларини сафарбар қилиш масаласи йиғилиш қароридан ўз аксини топди. Бу борадаги ишлар, айниқса, Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона ва Қашқадарё вилоятларининг партия

ташкилотларида муваффақиятли бажарилди. Демак, аъзолар сафини кенгайтириш — бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш бўйича етарлича тажриба тўпланмоқда.

— Яна бир савол: айрим газетхонларимиз «партияга аъзо бўлиш фуқарога нима беради? Умуман, бунинг қандай фойдали томонлари бор?», деб сўрашади...

— Фуқаро ўқи бу партияга аъзо бўлиш орқали, биринчидан, ўзи қўллаб-қувватлаб келаётган ғоя ва таъмоилларнинг жамиятда кенг тарқалишида бевоқифа иштирок этади. Иккинчидан эса, партия номидан сайловларда иштирок этаётган номзодни қўллаб-қувватлаш билан мамлакатдаги ижроия ва қонунчилик органларини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Шунингдек, фуқаро партиявий ишларда фаоллик ва жонқуярлик кўрсатса, келажакда ўзи ҳам сайловларга номзодини қўяди, мамлакат қонунчилигини мукамаллаштиришда қатнашади. Яна бир муҳим жиҳат: турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишда партиядан ҳуқуқий ва бошқа турдаги қўмак олиши ҳам мумкин.

Беҳбуд БОТИРОВ  
суҳбатлашди.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бошланғич партия ташкилотимиз 2005 йил 3 майда ташкил топган. Марказимизда жами 45 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 25 нафари эса партиямиз аъзоси ҳисобланади.

Этироф этиш керакки, партиямизнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортди. Ўз навбатида, жойларда олиб бораётган кучли тарғибот-ташвиқот ишларимиз боис халқимизнинг ҳам сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги кучайди. Биз асосий эътиборни жамиятда кечадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ўзгаришларни, ислохотларни фуқароларга етказишга ва уларда бу жараёнларга қизиқиш уйғотишга қаратаёلمиз. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни бартараф этишда уларнинг ҳам иштироки

таъминланмоқда. Фаолларимиз билан жойларда партиямиз ғояларини тарғиб қилувчи тadbirkorлар ўтказаяпмиз. Жумладан, яқинда Қарши шаҳридаги «Шодлик» маҳалласида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказган тadbirkorимиз ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Бугунги кунда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилапти. Шу боис, бошланғич ташкилотимиз мактаб ва касбхона коллежларида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, айниқса, қизларни оммавий спортга жалб этиш мақсадида турли беллашувлар ташкил этаёلمиз. Уларда ёшларнинг фаол иштироки бизни қўвонтирапти.

Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» жамғармаси билан доимий

ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Ўтказилаётган тadbirkorларда фуқароларнинг муаммолари билан қизиқаяпмиз. Улар партиямиз низоми, дастури билан мунтазам таништириб боришмоқда. Бу ишларда, айниқса, Зумрад Раҳмонова, Мавжуда Умарова, Дилноза Қудратова, Ирода Ибодуллоева сингари партиямиз фаолларининг ёрдами катта бўлаётган.

Хуллас, бундан кейин ҳам партиямизнинг мамлакат тараққиёти, истиқболлиги ўрни ва ролини кучайтириш ҳамда халқ ишончини қозониш, муносиб мавқега эга бўлиш йўлида бор имкониятимизни ишга солиб, ҳарқат қилаверамиз.

Забонор АШУРОВА,  
Қарши шаҳридаги  
«Она ва бола»  
скрининг маркази  
бошланғич партия  
ташкilotи раҳбари.

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ОШДИ

Гулноза Абдуллаева раҳбарлик қилаётган бошланғич ташкилот вилоят халқ таълими бошқармаси қошида ташкил этилган. Партиянинг ушбу қўйи бўғини аъзолари корхона ва ташкилотларда, таълим муассасалари, маҳаллаларда турли тadbirkorлар ўтказишмоқда. Бу тadbirkorларда асосий эътибор партиянинг мақсад ва ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилмоқда. Уларнинг жонқуярлиги, фидойилиги билан бошланғич ташкилот партия ишининг чинакам таянчига айланимоқда.

— Фаолларимиз ҳар душанба кунин тўпланиб, ҳафта давомиде бажариладиган вазифалар ҳақида кенгашиб олишади, ҳисоботлар эшитилади, — дейди Гулноза Абдуллаева. — Сафдошларимиз партия ва жамият олдидеги масъулиятини хис қилаётганликлари тўғрисида белгиланган ишлар, вазифалар ўз вақтида уйдаланмоқда.

Бошланғич ташкилотга жиҳосланган партия фаолларининг сай-ҳаракатлари билан Навоий шаҳри ҳамда вилоятнинг қатор туманларида мактабгача ва мактабдан партия таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказилди. Шу билан бирга, «Маънавият — 2008» кўрик-танлови, «Ўз йўлининг ўзини танла», «Қонун устиворлиги — жамият таянчи» мавзусидаги тadbirkorлар ҳам кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Асқар ЖАЛИЛОВ,  
«Адолат» мухбири.



Сирдарё вилояти Бобўт тумани тиббиёт бирлашмасида «Адолат» социал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти ташкил этилганига анча бўлди. Бу ташкилот ўз атрофига шифохонадаги шифокорлар, ҳамшираларни бирлаштирган. Улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бериётган янгилишлар, ўзгаришларга ўз муносабатларини билдириб келишмоқда. Айниқса, давлат ва жамиятнинг эркинлаштиришда партияларнинг роли муҳим эканлигини чуқур англаган ҳолда иш олиб борилаётганликлари учун ту-

манда кўпчилиқка ибрат бўлмоқда. Бинобарин, бошланғич партия ташкилоти шифокор ва ҳамшираларни қийнаб келаётган муаммоларини ҳам қонун доирасида ҳокимлик ва тегишли идораларга чиқиб хал элтаётгани эса партиянинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг баробарида партияга аъзо бўлишни хоҳловчилар сони ҳам ортиб бораёпти.

Суратда: бошланғич ташкилот фаоллари иш устида.  
Носир ҲАЙДАРОВ оingan сурат.

## Савол беринг, жавоб берамиз

### КАМИДА УЧ НАФАР

Янги бошланғич партия ташкилоти қандай тузилади? Саид РАҲИМОВА, Марғилон шаҳри.

Камида уч нафар партия аъзоси бўлган тақдирда бошланғич ташкилот тузиш мумкин. У тегишли туман, шаҳар партия Кенгашлари томонидан рўйхатга олинади. Одатда, бошланғич партия ташкилоти хўжалик, муассаса ёки ташкилотда ишлаб турган партия аъзоларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилади. Шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкати, маҳалла ва шунга ўхшаш аҳоли пунктларида ҳам бошланғич партия ташкилотлари тузиш мумкин.

**АЪЗОЛАР САФАРБАР ҚИЛИНАДИ**  
Бошланғич партия ташкилотларининг ваколатлари нималардан иборат?

Нодир ҲАМИДУЛЛАЕВ,  
Сирдарё вилояти.  
Бошланғич партия ташкилотлари ваколатлари доирасида иш қўришда мустақил бўлиб, барча масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эга. БПТлар юқори партия органларининг қарорларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун ўз аъзоларини сафарбар қилади.

**ЧОРАҚДА БИР МАРОТАБА**  
Бошланғич партия ташкилотларида бошқарув қандай амалга оширилади?  
Назира БАРАКАЕВА,  
Тошкент шаҳри.  
Умумий партия йиғилиши (мажлиси) бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш камида йилнинг ҳар чорағида бир марта ўтказилади. Зарур ҳолатларда қўшимча йиғилишлар ўтказилиши мумкин.  
Саволларга «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳуқуқшуноси Султаналло УЎЛМАСОВ жавоб берди.

## Партия ҳаёти

## МАҚСАД – МАЪНАВИЙ КЎМАК

“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Чиноз туманидаги “Саховат” фермер хўжалигида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда партия Сийёсий Кенгаши аъзолари, туман партия ташкилоти фаоллари, бир гуруҳ ишчи ва фермерлар иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, Чинозда фермер хўжаликлари фаолиятини янада жонлантириш бўйича қатор ишлар амалга ошириляпти. Айнан мазкур тармоқнинг самарали сайёҳаракати туфайли аҳоли иш билан

таъминланиб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли янада яхшилай бериш бормоқда.


– Чиноз галла, пахта ва пилла етиштириш бўйича ўзига хос салоҳият ва имкониятларга эга ту-

ман саналади, – дейди “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси Исмомил Саифназаров. – Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда чинозликларнинг ҳам салмоқли хиссаси бор. Бундай инсонлар билан учрашиш, меҳнатини қадрлаш уларнинг ишчанлик кайфиятини оширишда муҳим омил бўлади. Мазкур учрашувдан кўзланган асосий мақсад ҳам туман меҳнаткашлари фаолиятини ўрганиб,

уларга партиямиз ғояларини етказиш ва маънавий кўмак беришдан иборатдир.

Тадбирда туманнинг ишчан, фаол меҳнаткашларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Хонандалар томонидан ижро этилган дилрабо куй ва кўшиқлар иштирокчиларга завқ бағишлади.

Ўтган ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Адолат” мухбири.



## ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

Тошкент шаҳридаги ҳарбий спорт йўналишига ихтисослашган 58-мактабда айни пайтда 1179 нафар ёшлар тарбияланади. Яқинда бу даргоҳда Тошкент шаҳридаги ҳарбийлашган мактаб ўқувчиларининг тантанали қасамёди қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ўнлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қаторида “Адолат” СДП фаоллари ҳам иштирок этди.

Шу кунги 650 нафар бўлғуси ёш ҳарбийлар қасамёди қабул қилишди, ўнлаб тарбияланувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Фарҳод ЭСОНОВ,  
“Адолат” мухбири.

## КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Анджоннинг Корасув шаҳрида суткасига уч тоннагача сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона фаолият бошлади.

Корхонада тайёрланаётган нон маҳсулотлари шифохоналар, мактабгача таълим муассасалари, Корасув ва Қўрғонтепа туманидаги дўконларга етказиб беришмоқда. Корхона жомаси ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган янги цех фаолиятини йўлга қўйишни ҳам режалаштирган.

Маҳаллий тадбиркор ушбу корхона фаолиятини тўхтатган туман нон заводи ўрнида бунёд қилди. Бинони кимовиди савдоси орқали харид қилган Ш.Турахонов «Хамкорбанк»нинг маҳаллий филиалидан 30 миллион сўм кредит олиб, замонавий ускуналар харид қилди.

## ШАҲРИХОНДА ЯНГИ МАРКАЗ

Анджоннинг Шаҳрихон шаҳрида «Халқ таъбири» деб номланган янги замонавий соғлиқни сақлаш маркази фаолият бошлади.

Янги марказ замонавий лаборатория, энг сўнгги технология ускуналари билан жиҳозланган диагностика ва даволаш хоналарига эга. Беморлар ушбу соғлиқни сақлаш муассасасида амбулатория шартларида даволаниш билан биргаликда, стационар тарзда ҳам соғлиқларини тиклашлари ҳам имкон яратилган.

«Туркестон-пресс».

## Президентимизнинг

“Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чораларини тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан мохир усталарни тайёрлаш бўйича махсус мактаблар ташкил этиш, усталар ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун кулай шарт-шароитларни яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими ўз атрофида 32 хунармандни бирлаштирган. Қувонарлиси, улар Президент Фармонида мувофиқ, солиқ имтиёзларидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Фармонга асосан хонадон шароитида халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатининг 25

## Фармон ва ижро

йўналишидаги буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган яқка тартибдаги тад-

ликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган ҳамда хонадон шароитида бадийи

## СОҲА ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

биркорлар ўз маҳсулотларининг нархларини истеъмол бозоридида талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустакил равишда белгилашлари кўрсатилган. Аҳамиятисини, улар ясаган буюмларни хорижда сотиш учун олинмаган давлат бож бекор қилинган. Шунингдек, 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳоким-

хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинган эди. Кейинчалик бу муддат 2008 йилгача узайтирилди. Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги Фармонида биноан эса яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан

ўтган ҳамда “Хунарманд” уюшмасининг тегишли гувоҳномаси асосида фаолият кўрсатаётган хунарманд ва усталар 2010 йил 1 апрелга қадар солиқ тўлашдан озод қилинди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Хивалик уста, “Хунарманд” уюшмаси аъзоси Мадрид Маткаримов, мана олти йилдирки, гилам ва сўзана маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 15 нафар ёш йигит-қизларга хунармандчилик кел-

қиссадан ҳисса шуки, бир Фармон шарофати билан халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати қайта тикланмоқда. Энг муҳими, ёшлар муайян касб-хунари бўлиб, иш билан таъминланаяпти.

А.ЎРИНОВ,  
Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходими.

## Мурожаатлар «Адолат» эътиборида

Бугун мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органи – маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига катта эътибор қаратишмоқда. Маҳалла билан оила ўртасида мустақам ришта ўрнатилганки, бу айниқса, аҳолининг тиричилик ва фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омил бўлмоқда. Бу ҳақда деярли ҳар кун телевидордаги кўрсатувларни кўриб, газеталардаги мақолаларни ўқиб, бизнинг маҳалламизда ҳам шундай бўлса, эди деб ўйлаб қоламиз.

## ЁРДАМ БЕРИШ ЎРНИГА

## маҳалла оқсоқоли ўзини четга олди

Гапнинг индаллоси, Денов туманидаги «Қўжабулоқ» маҳалласида ашайман. Ёшим бир жойга борганда бошимга бир тавиш тўшди. Ўғлим Тошмухаммад Баратов туман ички ишлар бўлими томонидан 2007 йил 9 сентябрь кунин Руслан Ҳамдамовга тегишли “Нексия” автомобилли ва машина салонидида бошқа моддий бойликларни талон-тарож қил-

ганликда айбланди.

Ваҳоланки, худди шу кунин Ўғлим кидирувда бўлган Амриддин Исмамовни қашқадарёлик Руслан Ҳамдамовнинг машинасида кўрганлигини айтиб туман ИИБга берган. У Руслан Ҳамдамов бизни уйда эканлигини айтган. Шундан сўнг милиция ходимлари Тошмас Назаров, Абдурахим Ибрагимовлар Ўғлим билан биргаликда биз-

ниги келишди. Кидирувдаги шахсини тополмагандан кейин Ўғлим билан биргаликда Руслан Ҳамдамовнинг машинасида кеттишди. Туман ИИБга бориб, Русланинг машинасидаги ҳамма нарса жойидалигини текшириб, милиция ходимлари гувоҳлигига қўйиб юборишган. Бор гап шу. Албатта, Ўғлимнинг хатти-ҳаракати

ниги келишди. Кидирувдаги шахсини тополмагандан кейин

Ўғлим билан биргаликда Руслан Ҳамдамовнинг машинасида кеттишди. Туман ИИБга бориб, Русланинг машинасидаги ҳамма нарса жойидалигини текшириб, милиция ходимлари гувоҳлигига қўйиб юборишган. Бор гап шу. Албатта, Ўғлимнинг хатти-ҳаракати

ниги келишди. Кидирувдаги шахсини тополмагандан кейин

шини анча тинчлантирар экан. Бир болага етти маҳалла ота-она дейишди. Бу масалада ёрдам беришни сўраб «Қўжабулоқ» маҳалласи раиси Зиёрат Нарзиевга илтимос қилиб бордим. 3.Нарзиев ўзаро гап-сўзларни маҳаллада тинч йўл билан ҳал қилиш ўрнига турли хил баҳоналарни рўқча қилиб ўзини олиб қочди. Ахир, раис юқорида айтиб ўтганимдек, фуқароларнинг тинч-тотув ва фаровон кун кечиришига масъул эмасми?

Бундан ташқари, маҳалла оқсоқоли фуқароларга ун ва ёғ маҳсулотларини тарқатишда ҳам кўра-била туриб қиғирликларга йўл қўймоқда. Бунинг олдини олишни сўраб мурожаат қилган фуқароларга ушбу маҳсулотларни дўкон тарқатади, биз назорат қилиб борамиз, дейишдан на-рига ўтмайди.

Хурматли “Адолат”-чилар! Ушбу арзиймин газета саҳифаларида чоп этсангиз, Зора, мутасаддилар ўқиб, бу муаммонинг барҳам топишига ҳисса қўلسа...

Исломкул БАРАТОВ  
Денов тумани.

## ИЖРО ТАЪМИНЛАНДИ

Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан “Адолат” газетасининг 2008 йил 22 август сонидида чоп этилган “Ижро қачон таъминланади?” сарлавҳали мақоласида кўрсатилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2008 йил 8 февраль кунини “Файзобод” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўзбошимчилик билан эгallaб келинган жами 0,32 га ер майдонидан Э.Тошматовни мажбурий равишда чиқариш, ноқонуний равишда қурилган иморатларни буздириб, Иштихон тумани ҳокимлиги фойдасига қайтариш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилган. Шундан сўнг 2008 йил 15 март кунини Суд ижрочилари туман бўлими суд ижросисини Қ.Ҳолиқулов томонидан ижро иши қоритиш кўзгатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига асосан, ижро талабларини икхтирий равишда бажариш учун Э.Тошматовга беш кунлик муддат берилган. Бироқ, қарздор Э.Тошматов мазкур талабни бажармаган бўлса-да, суд ижросисини Қ.Ҳолиқулов холислар иштирокида бу ҳақда фақат далолатнома тузиш билан чегараланиб, мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бормаган.

Мақола юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида вилоят прокуратураси томонидан суд ижрочилари туман бўлимига суд қарори бўйича ижро ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисида кўрсатма берилгандан сўнг 2008 йил 28 август кунини тарофлар, яъни қарздор, ундирувчининг вакили, холислар, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, туман ер мулк кадастри мутахассиси, ИИБ ходимлари ҳамда мақола муаллифи С.Искандаров иштирокида ижро талаби тўлиқ таъминланди.

Иштихон тумани прокуратураси томонидан суд ижрочилари туман бўлими ходими Қ.Ҳолиқуловга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

О.АҲМАДЖОНОВ,  
Самарқанд вилояти прокуратураси ўқибсари,  
адлия катта маслаҳатчиси.



## РОССИЯДА ЁШЛАР ЙИЛИ

Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведев 2009 йилни мамлакатда “Ёшлар йили” деб эълон қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Мазкур ҳужжат президент сайтида эълон қилинган. Энди ҳукумат таркибиде махсус кўмита ташкил этилиб, у ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланади. Фармонда ёзилишича, бундан мақсад келажак авлоднинг ижодий ва илмий даражасини ошириш, уларнинг жамиятдаги иштирокини янада кўпайтиришдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, БМТ томонидан 1985 йил – Ёшлар йили, деб эълон қилинганди.

## ХОМАШЁ АРЗОНЛАШМОҚДА

Жаҳон молия бозорларида хомашё нархларидаги пасайиш ҳамда кредитлаштириш шартларининг қатъийлашуви нархлар тушиши даврининг узайишига олиб келиши мумкин.

Турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан иқтисодийни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўраётганига қарамай, иқтисодийнинг реал секторида нархларнинг тушиши кузатишмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, дефляция (муомаладаги пул миқдорини ка-

майтириш)нинг келгусидаги кўриниши қўйидагина бўлиши мумкин: асосан ипотека бозорлари билан боғлиқ маблағлардан воз кечишга мажбур бўлаётган жаҳон банклари иқтисодий ўсишни ушлаб туриб, кредитлаш шартларини қатъийлаштиришда давом этади. Бу уйлар нархининг тушишига олиб келади. Оқибатда янги йўқотишлар юзга келиб, банкларнинг кредитлаш истаги янада қисқаради.

Жаҳон иқтисодийнинг айрим соҳаларида аллақачон нархлар туша бошлаган. Масалан, сўнгги йилда турар жой нархи Буюк Британия ва АҚШда 10 фоизга арзонлашган.

## ИСТЕЪФО БЕРДИ

Жанубий Африка Республикаси президенти Табо Мкеби истеъфода чиқди.

Қитъадаги энг машҳур шахслардан бири Нельсон Манделанинг давомчиси бўлган Т.Мкеби ҳукуматини 1999 йилдан буён бошқариб келаётган эди. Президент истеъфоси билан бир неча йиллардан буён амалдаги партия вакиллари ва Т.Мкебининг ўринбосари Жейкоба Зума ўртасидаги кураш низога ағдди.

Японияда ҳам бош вазир ўзгарди. Ҳукумат раҳбарлигига мамлакатнинг солиқ ташки ишлар вазирини Таро Асо сайланди. Бу 2006 йилнинг кузидан Дзюньитиро Коидзуми давлат раҳбарлигидан кетганидан сўнг Япония Вазирлар Маҳкамасидаги учинчи ўзгаришдир. 68 ёшли Таро Асога партиялараро ички сайловда 527 нафар депутатдан 351 та овоз берган.

## ЙЎҚОЛИШ ХАВФИ ОСТИДА

Сўнгги бир неча ўн йил ичида қушлар 45 фоизга камайган.

Бу ҳақда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилотини маълум қилган. Европада охириги 26 йил давомида қушларнинг 56 тури йўқолган. Айни пайтда эса дунё бўйича қушларнинг 1226 тури йўқолиб кетиш хавфи остида.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатлар ҳукуматлари 2010 йилгача биохиммаҳиллик камайтиришни тўхтатиш ҳақидаги ваъдаларини бажаришлари лозим. Шунингдек, қушларни сақлашга йўналтирилган маблағларни ошириш зарур.

Интернет хабарлари асосида  
Умид АГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

## Қилмиш – қидирмиш

## НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД ФОШ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмасдан, осон пул топиб, бойлик орттириш пайида юрган қонунбузарлар ораимизда учраб тургани ачинарли. Уларнинг ноқонуний ҳаракатлари нафақат иқтисодиётга, балки кишилар саломатлигига ҳам катта зарар етказмоқда. Яқинда ана шундай “тадбиркор”лардан бирининг фаолиятига чек қўйилди.

Тадбиркор Евгений Кимнинг фаолияти ҳукумат тартибот органлари ходимларида шубҳа уйғотди. Текширувларда эса у белгиланган меъёрий ҳужжатларга зид равишда 237

Н.АЪЗАМХУЖАЕВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛКК  
департаментининг  
Чиланзор тумани бўлими  
бошлиғи ўринбосари.

## «АНДОҚ», ИШЛАР НЕГА БУНДОҚ?

Биз яшаб келаётган Каттақўрғон туманидаги «Андоқ» ширкат ҳўжалиги ҳудуди асосан лалмикор ерлардан иборат. Шунинг учун аҳоли бу майдонларда нўхат, галла етиштиришди.

Вилоят ҳокимининг 2003 йил 6 ноябрдаги қарорига асосан «Андоқ» ширкат ҳўжалиги тугатилиб, унинг негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этиш белгиланди. Ўз-ўзидан аёни, фермер бўламан деган фуқароларнинг тендер комиссияси асосида танланиб, ерлар бўлиб берилга бошланди. Ана шунда ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган кишилар ноқонуний ишларни амалга оширишди. Хусусан, солиқ раисимиз Холбош Пирназаров ўзи тендер комиссияси раисининг муовини бўла туриб, 3 та контур бўйича 750 гектардан ортиқ ер майдонида “Холнур ПХК” фермер ҳўжалигини ташкил этишга эришди. Туман статистикаси ва бошқа идораларга эса 456,4 гектар деб ҳисоботлар бериб келмоқда.

Бундан ташқари, ҳўжалик ҳудудидаги 41 гектарлик ўрмон ҳўжалигини ҳам қайсидир йўллар билан Зовки Ибрагимовдан Шукур Нурматовга олиб бериб, табиат мусавфо-

лигини таъминлаб келаётган писта, бодом каби дарахтларни ҳеч қандай рухсатсиз кесиб ташлаб, таниш-билишларга уй-жой учун ажратмоқда (суратлари олинган). Қизик, ўрмон ҳўжалигига тегишли дарахтларни кес-саётганлар билан мутасаддилар қизиқмай-димми?

Яна бир ажабланирли ҳолат. Ширкат ҳўжалигининг солиқ бригадирини Норбобо Умаров 10 гектардан ошқ ерни ҳеч қандай ҳужжатсиз эгallaб олиб, экин экиб келмоқда. Унинг амакиси Элтой Раҳмонов эса қарийб 10 йилдан бери 20 гектар ердан фойдаланаяпти. Ердан ноқонуний фойдаланётганлар рўйхатини ана давом эттириш мумкин.

Демократизм, солиқ ширкат ҳўжалиги ер майдони туман статистика бўлимида кўрсатилган 5,5 минг гектар эмас, балки анча кўп – 8 минг гектардан ортиқ. Ундан яқиндаги фойдаланиш ўрнига қишлоқда яшайдиган фуқароларга фермер ҳўжалиги қилиб берилса, одамлар иш билан таъминланган бўлармиди?

Бизнинг иштирокимизда ширкат ҳўжалиги ер майдонларини қайта ўлчовдан ўтка-

зишларини сўраб вилоятдаги мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик, ариза ёздик. Лекин уларни текширишга юборилган тўғрисидаги бир парча қогоздан бошқа нарсалар олмадик. Хатто аризамизда кўрсатган ваъдаларимиз, фактларимиз ўз тасдиғини топмасда, бизга қонунда белгиланган тартибда чора қўришларини ҳам билдирдик. Афсус...

Яқинда вилоят адлия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаларидан жавоб хатлари олдик. Уларда айтилишича, солиқ “Андоқ” ширкат ҳўжалигининг умумий ер майдонини қайта ўлчовдан ўтказиш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг рухсати билан амалга оширилганиниш. Алдагани бола яхши, деганлари шу бўлса керак-да! Нахотки, мувофиқлаштирувчи кенгаши биз кўтарган масалалар қизиқтирмаса? Ҳисоботларда кўрсатмасдан ер талон-торожи-гига йўл қўйганларнинг қонунбузарликлари, давлат ва жамият манфаатларига етказган зарарларидан кўз юмиб бўладими?

Саттор ҲОТАМОВ,  
Зовки ИБРАГИМОВ,  
Каттақўрғон тумани.

